

**СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.GM/FM.97.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА ИНСТИТУТИ**

**СИДОРОВА ИРИНА ПЕТРОВНА**

**ЎЗБЕКИСТОН МАЪДАНЛИ МИНТАҚАЛАРИ  
ЛИТОСФЕРАСИНИНГ ТУЗИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**04.00.06 – Геофизика. Фойдали қазилмаларни қидиришнинг геофизик усуллари**

**геология-минералогия фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Content of the abstract of dissertation doctor of science (DSc)**

**Сидорова Ирина Петровна**

Ўзбекистон маъданли минтақалари литосферасининг тузилиш  
хусусиятлари.....3

**Сидорова Ирина Петровна**

Особенности строения литосферы рудных регионов Узбекистана.....25

**Sidorova Irina Petrovna**

The features of deep structure of lithosphere of ore regions of Uzbekistan.....47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....51

**СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.GM/FM.97.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА ИНСТИТУТИ**

**СИДОРОВА ИРИНА ПЕТРОВНА**

**ЎЗБЕКИСТОН МАЪДАНЛИ МИНТАҚАЛАРИ  
ЛИТОСФЕРАСИНИНГ ТУЗИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**04.00.06 – Геофизика. Фойдали қазилмаларни қидиришнинг геофизик усуллари**

**геология-минералогия фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.DSc/GM16 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Геология ва геофизика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб саҳифасида ([www.seismos.uz](http://www.seismos.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Расмий оппонентлар:**

**Раджабов Шухрат Сайфуллаевич**  
геология-минералогия фанлари доктори

**Богданов Александр Николаевич**  
геология-минералогия фанлари доктори

**Спичак Вячеслав Валентинович**  
физика-математика фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Ислом Каримов номидаги**  
**Тошкент давлат техника университети**

Диссертация химояси Сейсмология институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.GM/FM.97.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 й. «10» август соат 10.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Зулфияхоним кўчаси, 3-уй, Тел.:+99871- 241-51-70; +99871- 241-74-98; E-mail: [seismologiya@mail.ru](mailto:seismologiya@mail.ru)).

Диссертация билан Сейсмология институтининг Ахборот-ресурслар марказида танишиш мумкин (1141-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Зулфияхоним кўчаси, 3-уй; Тел. +99871- 241-51-70.

Диссертация автореферати 2021 йил «26» июль куни тарқатилди.  
(2021 йил «26» июль даги 7-рақамли реестр баённомаси).



**К.Н.Абдуллабеков**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси,  
ф.-м.ф.д., академик

**З.Ф.Шукуров**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш илмий котиби,  
г.-м.ф. фалсафа доктори (PhD)

**С.Х.Максудов**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги илмий  
семинар раиси, ф.-м.ф.д.

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё геология фанида литосферанинг чуқур тузилмаларининг структуравий хусусиятларини илмий башоратлаш геодинамика муаммоларини ечишда ҳамда фойдали қазилмаларнинг жойлашувини аниқлашда долзарб ҳисобланади. Бугунги кунда ёпиқ ҳудудларда конлар қидирувининг самарадорлигига ва башоратлашнинг амалий вазифаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатларнинг минерал хом ашё базасини тўлдиришда маъданли қазилма конларининг ривожланиш соҳасида литосферанинг чуқурлик тузилиши билан ўзаро боғлиқ истиқболли конларни қидиришнинг янги услубиятларини ва йўналишларини ишлаб чиқиш устувор вазифа ҳисобланади. Истиқболли йирик конларда тўпланган фойдали қазилмаларнинг янги уюмларини очиш ҳамда уларни казиб олиш тадқиқотлари минерал хомашё бозорини барқарор ривожлантиришга имкон беради.

Ҳозирги кунда бир қанча мамлакатларда геология соҳасида кўп йўналишли халқаро лойиҳалар ёрдамида литосферанинг табиатини, динамикасини, келиб чиқишини ва эволюциясини аниқлашга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, Европада, АҚШда, Россияда ва Осиё давлатларида литосфера тузилишини уч ўлчамли моделлаштириш имконини берувчи узун профилларда бажарилган чуқурлик бўйича геофизикавий тадқиқотларнинг (ЧСЗ, МТЗ, сеймик томография, геотермия ва бош.) катта қўламдаги материаллари тўпланган. Бу қимматли маълумотларни қайта ишлаш ва геологик талқин қилиш мақсадида Халқаро дастур (ILP) ишга туширилган. Бу борада ўтказилаётган тадқиқотлар саноат аҳамиятига эга бўлган истиқболли маъдан майдонларини самарали аниқлашга ҳизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг маъданли минтақаларининг ёпиқ ҳудудларида мажмуавий геофизик усулларни қўллаш асосида чуқурроқда жойлашган фойдали қазилма бойликларини қидириб топишга бўлган талаб йилдан-йилга ортиб бормоқда. Республикамизнинг жадал ривожланиб бораётган иқтисодиёти доимий равишда минерал-хомашё базасини мустаҳкамлашни ва кенгайтиришни талаб қилади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида «...алоҳида ҳудудларда табиий ва минерал хомашё салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш ...»<sup>1</sup> вазифалари белгилаб берилган.

Шу муносабат билан, ёпиқ ҳудудларда фойдали қазилмаларни қидиришда конлар жойлашувининг янги меъзонларини топишга ёрдам берувчи мажмуавий геологик-геофизикавий тадқиқотларни ўтказиш муҳимдир. Литосферанинг чуқурлик тузилиши ҳамда маъдан конларининг номутаносиблиги муаммоси металлогеник провинциялар, металлогеник

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

зоналар, маъдан минтақалари, алоҳида йирик маъдан конлари миқёсида биз томонимиздан маъдан-магматик концентрлар доирасида ишлаб чиқилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-3004-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар Қўмитаси тизимида ягона геология хизматини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва 2018 йил 1 мартдаги ПҚ-3578-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва 2019 йил 23 июлдаги ПҚ-4401-сон «Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари ва 2020-2021 йилларда минерал хомашё базасини кенгайтириш ва қайта тиклаш Давлат дастури» қарорлари ҳамда геология соҳасига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши натижалари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республиканинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг – VIII «Ер ҳақидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёни қайта ишлаш)» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.**

Литосферанинг чуқурлик бўйича тузилишини тадқиқ этишга қаратилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: Калифорния университети (АҚШ), IPGP – Ер физикаси институти (Франция), Ер фанлари тадқиқот маркази (Германия), Ер фанлари университети (Хитой), РФА Ер физикаси институти (Россия), Аделаид университетининг Ер фанлари факультети (Австралия), Америка геологик хизмати (USGS, АҚШ), Копенгаген университетининг Ер фанлари факультети (Дания), Геофизика институти (Украина), РФА СБ Ер қаъри институти (Россия), РФА Илмий станцияси (Қирғизистон), Х.М.Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институти (Ўзбекистон), Геология фанлари университетининг Минерал ресурслар институти (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Литосферадаги иссиқлик ва масса узатилиши бўйича жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор илмий натижаларга эришилган, жумладан: Ернинг мантияси ва литосферасининг планетар сейсмотомографик модели тузилган (Калифорния университети (АҚШ), IPGP - Ер физикаси институти (Франция)); литосферадаги физик жараёнлари аниқланиб, улар асосида динамик ва иссиқлик моделлари ишлаб чиқилган (РФА Ер физикаси институти (Россия)); Ердаги плюм жараёнлари фаоллашувининг ёши аниқланган (Аделаид университети Ер фанлари факультети (Австралия)); Ер

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: [www.usgs.com](http://www.usgs.com); [www.elsevier.com](http://www.elsevier.com); [www.researchgate.net](http://www.researchgate.net); [lithosphere.ru](http://lithosphere.ru); [ginras.ru](http://ginras.ru); [www.nature.com](http://www.nature.com); [www.mantleplumes.org](http://www.mantleplumes.org) ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

қаъридаги иссиқлик ва масса узатиш, ҳаракат ва энергия жараёнлари моделлаштирилган (Германия Ер фанлари тадқиқот маркази (Германия)); дунёдаги конлар бўйича рақамли маълумотлар базаси тузилган (Ер фанлари университети (Хитой)); зичлик бўйича моделлаштириш услубияти ишлаб чиқилган (Геофизика институти (Украина)); Тянь-Шань литосферасининг геозэлектрик моделлари тузилган (РФА Илмий станцияси (Қирғизистон)); Сибир континентал литосферасининг ички тузилиши ўрганилган (РФА СБ Ер қаъри институти (Россия)); конларнинг келиб чиқиши ва жойлашувини белгилаб берувчи асосий геологик ва геофизикавий параметрлар аниқланган (Америка геологик хизмати (АҚШ), Копенгаген университети Ер фанлари факультети (Дания), Х.М.Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институти (Ўзбекистон)); маъдан конларининг геодинамик модели ишлаб чиқилган (Геология фанлари университетининг Минерал ресурслар институти (Ўзбекистон)).

Дунёда литосферанинг маъданли минтақаларининг ёпиқ ҳудудларида мажмуавий чуқур петрологик ва геофизик усуллар асосида конлар қидирувида бир қатор устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: ер қаърининг чуқурлик тузилишини баҳолаш; маъдан конларининг уч ўлчамли моделларини яратиш; чуқурлик бўйича конларнинг ҳосил бўлишида номутаносибликларнинг ролини аниқлаш; ГИС технологиялари ва математик моделлаштириш асосида янги маъдан конларини башоратлашни такомиллаштириш, маъдан-магматик концентрларнинг геологик ривожланишининг интерфаол 3D моделлари асосида янги маъдан майдонларида тўпланган фойдали қазилмаларни излаб топиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистоннинг литосфераси тузилиши ҳақидаги замонавий ғоялар сейсмик, гравиметрик, магнитометрик, магнитотеллурик, геотермик ва петрофизик тадқиқотлар натижаларига асосланган. Ер қобиғи ва юқори мантиянинг чуқурлик тузилишини ўрганишга қаратилган геофизик усулларнинг ривожланиши (И.Х.Хамрабоев, Е.М.Бутовская, Ф.Х.Зуннунов, С.С.Сейдузова), литосферадаги гетерогенликнинг фазовий тақсимланиши (зичлик, магнитлик, иссиқликни назорат қилувчи омиллар ва бошқалар) борасида етарлича тўлиқ маълумотлар олишга имкон яратди. Ўрта Осиёда биринчи марта Е.М.Бутовская ва бошқалар (1971) Ер қобиғининг "гранит" ва "базальт" қатламларининг юқори гетерогенлигини ҳамда уларда физик хусусиятлари билан кескин фарқланувчи қўшимчалар мавжудлигини аниқладилар. Е.М.Бутовскаянинг Ўрта Осиё ер қобиғининг тузилиши бўйича олиб борган тадқиқотлари монографияларда акс этгани революцион бурилиш характериға эға бўлган. Улар юқорида айтиб ўтилган қатламларнинг бир хиллиги тўғрисидаги муайян ғояларни жиддий равишда таҳлил қилиб, уларнинг таркиби илгари қабул қилинган "гранит" ва "базальт" номларига мос келмаслигини кўрсатдилар. Натижада янги геофизик ва петрологик маълумотлар Тянь-Шань ва Помир ер пўстининг юқори ва пастки қобиқларға бўлинишини асослаб берди (И.Х.Хамрабоев ва бошқалар, 1998).

1997-2000 йилларда ЮНЕСКОнинг халқаро лойиҳаси - №354 «Йирик ва ўта йирик маъдан конларининг ҳосил бўлишида чуқурлик литосфера структураларининг роли» доирасида академик И.Х.Хамрабобоев илмий раҳбарлигида илмий тадқиқотлар олиб борилди. Унинг асосий мақсади литосферанинг чуқурлик тузилмаларининг йирик ва ўта йирик маъдан конларининг ҳосил бўлишидаги ролини аниқлаш эди. Ўрганилаётган маъданли ҳудудлар учун олинган материалларнинг таҳлили конларнинг генезиси ҳамда жойлашишини назорат қилувчи асосий геологик ва геофизик ўлчамларни аниқлашга имкон берди.

Сўнгги ўн йилликларда Ўзбекистонда ўтказилган катта ҳажмдаги мураккаб геологик ва геофизик мажмуавий тадқиқотларга қарамай, минтақанинг чуқурлик тузилишининг кўплаб масалалари ноаниқ бўлиб қолмоқда. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда Инновацион ривожланиш вазирлигининг фундаментал лойиҳа бўйича мақсадли тадқиқотлар доирасида олиб борилган геологик ва геофизик тадқиқотлар Ўзбекистон литосферасининг чуқурлик бўйича геологик тузилиши ҳақидаги билимларимиз чегараларини сезиларли даражада кенгайтиришга имкон берди. Мажмуавий минтақавий геофизик маълумотлар бўйича рельеф юзаларини, пойдевор ва Мохоровичич чегарасини, литосферанинг структуравий хусусиятларини, маъданли жинслар морфологиясини ҳамда фойдали қазилма конларини уч ўлчовли геологик ва геофизик таҳлили амалга оширилди. Маъдан конларини литосферанинг чуқурлик гетерогенлиги билан ўзаро муносабатлари муаммоси ер ҳақидаги фанлар соҳасида муҳим ўринларни эгаллайди. У маъдан-магматик концентрлар доирасида металлогеник ўлкалар, металлогеник зоналар, маъдан минтақалари, алоҳида йирик маъдан конларида металлогеник ўлкалар миқёсида биз томонимиздан ишлаб чиқилмоқда.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Геология ва геофизика институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №Ф-5.1.24 «Марказий Қизилқум маъдан-магматик концентрининг геологик ривожланишининг динамик интерактив модели» (2003-2007), №П-6.1.20 «Тоғ жинсларининг термофизик аномалияларини ўрганиш (2003-2005), №156-06 «Ғарбий Ўзбекистон нефтгаздор ва олмосдор ҳудудлари литосферасининг тузилиш хусусиятлари» (2006-2007), №53-10 «Чотқол-Қурама минтақасининг чуқурлик тузилишининг геофизик модели» (2010-2011), №ФА-Ф6-151 «Тузилиш хусусиятлари, литосферанинг сейсмотектоник жараёнлар ривожланиш динамикасини аниқлаш ва Ўзбекистон ҳудудларини турли миқёсдаги сейсмик табақалашнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш» (2007-2011), №ФА-А5-Т086 «Ўзбекистоннинг алоҳида ҳудудларида замонавий геофизик усуллар ёрдамида яширин маъдандор зоналарни аниқлаш ва баҳолаш» (2009-2011), №ФА-А13-Т113 «Олмалик-Ангрен худудида геофизик маълумотлар асосида яширин магматик таналар ва маъдан назоратловчи узилмали бузилишларни аниқлаш» (2012-2014), №ФА-Ф8-Т109 «Ўрта ва Жанубий Тянь-Шань



геодинамикаси ва геологик-геофизик модели» (2012-2016) каби фундаментал ва амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** геофизик маълумотларни қайта ишлашнинг комплекс усуллари қўллаш асосида чуқурлик тузилмаларининг структуравий хусусиятлари, уларнинг морфологияси, ноемъерий хоссалари, маъдан ҳосил бўлиш жараёнларидаги ролини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ўзбекистон маъдан-магматик концентрларида литосферанинг петрофизик ва геофизик хусусиятлари ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш;

маъдандор тизимларни ҳосил бўлишдаги ролини аниқлаш мақсадида литосферадаги тоғ жинсларининг ноемъер ўтказувчанлик хусусиятларини, уларнинг минерал таркиби, тарқалиши, тоғ жинслари таркибидаги элементларнинг тарқалиш қонуниятларини ўрганиш;

ер қобиғида содир бўладиган иссиқлик масса узатиш жараёнларини ўрганиш;

қидирув ва башорат қилиш муаммоларини ҳал қилиш учун Марказий Қизилқум, Нурота ва Чотқол-Қурама маъдан-магматик концентрларининг яхлит моделларини яратиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистоннинг маъданли минтақаларининг литосфераси олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** Ўзбекистон маъдан-магматик концентрларининг чуқурлик тузилиши: литосферанинг ноемъерий гетерогенликларини аниқлаш ва уларнинг маъдан конларини ҳосил бўлиш жараёнидаги ролини ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Литосферанинг чуқурлик тузилмаларининг хусусиятларини ўрганишда интеграциялашган моделлар кетма-кетлигидан, гравитацион қидирув, магнит қидирув, сейсмик қидирув, геотермик қидирув ва петрофизика, чуқур сейсмик зондлаш (ЧСЗ), ArcGISда бирлаштирилган интерфаол 3D моделларни яратиш, масофадан зондлаш, геомоделлаштиришнинг замонавий уч ўлчамли динамик моделлари ҳамда маъдан-магматик концентрларнинг мажмуавий интерфаол усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон маъдан-магматик концентрларининг интерфаол моделларини яратиш усули ишлаб чиқилган;

Марказий Қизилқум маъдан-магматик концентрининг уч ўлчовли интерфаол модели яратилган;

Марказий Қизилқум маъдан-магматик концентрининг чуқурлик бўйича петрологик-геофизикавий моделлари ишлаб чиқилган;

илк бор жинсларнинг физикавий, хусусан, иссиқлик ўтказувчанлик хусусиятлари орқали янги, юқори технологик хомашё аниқланган.

тоғ жинсларининг намуналарида перколяция жараёнларини аниқлаш учун ҳисоблаш дастури ишлаб чиқилган;

маъдан-магматик концентрларнинг литосферадаги иссиқлик ва масса узатилишининг иккита модели ишлаб чиқилган;

кондуктив иссиқлик узатилиши, хусусан Мурунтоғ маъдан майдонидаги кварц, пирротин, графит каби минералларнинг узлуксиз кластерлари концентрацияси туфайли тоғ жинсларида юзага келадиган перколяция жараёнларининг натижасида вужудга келиши аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйдагилардан иборат:

Геология ва геофизика институтининг «Литосфера тузилиши» бўлимида Ўзбекистоннинг янги геотермик харитаси яратилган;

Янги Мурунтоғ посёлкасини электр энергия билан таъминлаш мақсадида мажмуавий геофизик тадқиқотлар (гравитацион қидирув, сейсмик қидирув, магнитотеллурик тадқиқотлар) ўтказиш натижасида геотермик станциянинг қурилиши учун энг мақбул жой аниқланган;

тоғ жинсларининг намуналарида ҳосил бўладиган перколяция жараёнларини ҳисоблаш дастури ишлаб чиқилган;

Марказий Қизилқум маъдан-магматик концентрида ихтисослаштирилган геофизик қидирув ишларини олиб бориш натижасида истиқболли майдонлар аниқланган;

Нурота минтақасидаги фойдали қазилма конларининг мезозойдан олдинги пойдеворнинг юзага чиққан қатламлари ва чуқур изогипслари, потенциал майдонларга кўра аниқланган интрузивларнинг контурлари ва уларнинг кўмилиб ётган давомий таналари, олтин ва олтин-кумуш ҳамда углеводородларга истиқболли бўлган янги майдонларни ўз ичига олувчи яхлит башорат харитаси тузилган;

сейсмик тадқиқотларнинг охириги натижаларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистоннинг гравитацион майдони ва Мохоровичич юзасининг рақамли хариталари тузилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Олинган натижаларнинг ишончлилиги чуқур қудуқларни бурғулаш натижаларининг материаллари билан, шунингдек замонавий дастурий таъминот тўпламлари ёрдамида геологик ва геофизик маълумотларни талқин қилиш ва назарий натижаларни Марказий Қизилқум, Чотқол-Қурама ва Нурота минтақаларида тадқиқот олиб борган бошқа муаллифларнинг натижалари билан таққослаш орқали тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти геологик ва геофизик комплекс қайта ишлов бериш, потенциал майдонларни ва чуқур сейсмик зондлаш профилларини талқин қилиш ҳамда ArcGIS да бирлаштирилган интерактив 3D моделни яратиш методологияси босқичларини ўз ичига олган интеграллашган моделларни яратиш методологиясини ишлаб чиқиш. Ўзбекистоннинг учта маъдан-магматик концентрлари бўйича литосферанинг бир жинсли эмаслиги аниқланди, иссиқлик масса кўчишининг иккита тури ишлаб чиқилди, петрологик ва геофизикавий моделлар тузилди ҳамда улар асосида геофизикавий тузилмалар маъданлашувини башорат қилиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистон бўйича қуйидаги бир қатор янги рақамли хариталар тузиш билан изоҳланади:

геотермик, гравиметрик, Моховоревичич юзаси хариталари тузилган, Нурота минтақаси бўйича фойдали қазилмаларнинг башоратлаш харитаси геологик қидирув ўтказишга асос бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистоннинг маъданли минтақаларининг чуқурлик тузилиши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

янги маъдан конларини қидириш ва башорат қилиш методикаси "Қизилқумгеология" АЖнинг геологик қидирув амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2020 йил 18 декабрдаги 06/16-сон маълумотномаси). Натижада, чуқур сейсмик зондлаш (ЧСЗ) маълумотларидан мажмуавий фойдаланган ҳолда чуқур петрологик ва геофизик қурилмалар асосида минтақавий маъдан, шу жумладан олтинга оид башоратни аниқлигини оширишга имкон берган;

чуқур сейсмик зондлаш профиллари бўйича 1:200000 миқёсдаги чуқур петрологик ва геофизик моделлар "Қизилқумгеология" АЖнинг геологик қидирув амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2020 йил 18 декабрдаги 06/16-сон маълумотномаси). Натижада, Марказий Қизилқум маъдан-магматик концентрида эҳтимолий маъдан ҳосил бўлишини аниқлашга хизмат қилган;

иссиқлик массани узатишнинг ишлаб чиқилган моделлари "Қизилқумгеология" АЖда амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2020 йил 18 декабрдаги 06/16-сон маълумотномаси). Натижада, Кўкпатос профили бўйича юқори зичликдаги ўта ишқорли "карнайсимон" шаклидаги иккита блокни, Мурунтоғ профили бўйича диорит-базит таркибли битта "карнайсимон" шаклидаги тана ва зичлиги паст бўлган диорит-гранодиорит таркибли иккита "қосасимон" шаклидаги зонана, Томди профили бўйича гранодиорит таркибли битта "қосасимон" шаклидаги зонани аниқлаш имконини берган;

Томдитоғ сутурасининг контакт олди зонасида жойлашган Кокпатос профилида олтин маъданлашувига ажратилган иккита истиқболли участка "Қизилқумгеология" АЖда амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2020 йил 18 декабрдаги 06/16-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу худудда тўлик миқёсда олдиндан геофизика ишларини қўйиш имконини берган;

Қулжуктоғ ва Белтоғ оралиғидаги Томди профилида ажратилган, Қулжуктоғ ҳалқали структурасининг ғарбий контури бўйлаб жойлашган башоратли участка "Қизилқумгеология" АЖда амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2020 йил 18 декабрдаги 06/16-сон маълумотномаси). Натижада, маъдан фойдали қазилмаларини геологик қидиришни режалаштириш учун асос бўлиб хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқотларнинг асосий натижалари турли халқаро ва республика конференцияларида 35 та маърузалар орқали апробациядан ўтказилган: Халқаро геологик конгресс,

Флоренция, Италия (2004), Осло, Норвегия (2008), Бош ассамблея IUGG, Саппоро, Япония (2003), Перуджи, Италия (2007), Прага, Чехия (2015), Ер ҳақидаги фанлар - EGU бўйича Европанинг Бош ассамблеяси, Вена, Австрия (2011-2020).

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 58 та илмий иш чоп этилган. Улардан 1 та муаллифлик монография хорижда чоп этилган, 17 та илмий мақолалар, шу жумладан 13 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган бўлиб, улар докторлик диссертациянинг асосий илмий натижаларини нашр этиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган. Диссертант Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг иккита муаллифлик гувоҳномасига эга.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, 5 боб, хулоса ва 118 номдаги фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 197 бет, иловада 19 та чизмалар келтирилган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** мақсад ва вазифалар келтирилган бўлиб, олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблилиги ва зарурати, тадқиқот объекти ва предмети асосланган, тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертация структураси бўйича маълумотлар очиб берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Геологик-геофизик гипотезалар таҳлили”** Ер литосферасида физик хоссаларнинг тақсимланиши тўғрисидаги геофизик (сейсмик, зичлик, геотермик ва б.) маълумотларига асосланган ҳолда Ернинг чуқурлик бўйича тузилиши ҳақидаги замонавий геологик тушунчаларни кўриб чиқишга бағишланган. 1.1-кичик бўлим “Йирик ва ўта йирик маъданли конларнинг ҳосил бўлиши ва жойлашинининг муҳим параметрлари”да йирик ва ўта йирик маъданли конлар ҳосил бўлишининг асосий параметрлари (Хамрабоев ва бизнинг қўшимчаларимиз бўйича) ажратилган.

Геологик-геофизик параметрлар қуйидагича бўлишлари зарур: (1) чуқур мантия-ўзак структуранинг таъсир кўрсатиш доирасида ва уларнинг ўзаро ёки бурмаланишлари билан кесишмаларида бўлиши; (2) таркиби, зичлиги, метаморфизм даражаси, тектоник ёки магматик структураларнинг турли чизиқли, радиал ва доира шаклларда учраши бўйича чегаравий минтақаларда (Ернинг турлича гетерогенли блокларида)ги ўрни; (3) узок давом этувчи ва кўп такрорланган магматизм ареали ва мувофиқ равишда маъдан ҳосил қилувчи магматик жараёнларнинг давомийлиги; (4) қамровчи жинсларнинг қулай геологик ва литологик хусусиятлари, уларнинг гетерогенлилиги; (5) конларни Ер пўстининг мўътадил юқори қалин участкаларга (38-40 км) тўғри келиши; (6) магнит ва гравитацион майдонлари султ даражада мусбатга,

оғирлик кучи ва магнит таъсирчанлиги маҳаллий номеъёрликка эга бўлган, узилмали тектоник деформациянинг намоён бўлиши ва магматик ҳосилалар таркиби бўйича турлича бўлган участкаларнинг мавжуд бўлиши; (7) номеъёр юқори ёки юқори иссиқлик оқими ва электр ўтказувчан участкаларнинг мавжудлиги; (8) йирик яширин гранитоидли плутонлар (ва гранитлашган жинсларнинг) мавжудлиги; (9) қамровчи жинсларнинг кучли тектоник деформацияланганлиги. 1.2-бўлимда “Ўзбекистоннинг маъдан-магматик концентрлар” баён қилинган. Марказий Қизилқум ва Чотқол-Қурама маъдан-магматик концентрлар бўйича қиёсий таҳлил қуйидагиларни таъкидлаш имконини беради:

1. Концентрлар Тяньшаннинг турли қисмларида жойлашган: Чотқол-Қурама-Ўрта Тён-Шонда, Марказий Қизилқум эса - Жанубий Тён-Шонда жойлашган бўлсаларда, иккаласи ҳам Шимолий Нурота - Қизилқум ва Шимолий Фарғона чуқур ёриқлари томон интилган бўлиб, ушбу минтақаларни ажратиб туради.

2. Иккала концентрларда субкентлик ва субмеридионал чуқур ёриқларнинг кесишиш узеллари, мана шу қисмларда ер пўстининг ўтказувчанлигини таъминловчи майдаланган жинслар мавжуд ва мантия ва пўстга оид магматик массалар ҳамда маъданли флюидлар мавжуд.

3. Бу икки концентрлар ҳозирда кўтарилиш ҳудудлари ҳисобланади ва улар палеоген давридан сўнг юзага келган. Уларнинг ўртача зичлиги бир хил  $2,49-2,52\text{г/см}^3$  бўлиши билан тавсифланади. Ҳозирда ҳар йили ўртача 2-8 мм га кўтарилиб бормоқда.

4. Гранитоидли магматизмнинг узок муддатда (ўрта карбондан қисқа танаффуслар билан пермга қадар) давом этиши ва таркиби ҳамда фациялар бўйича турлихиллиги. Чотқол-Қурама ММКда у, интрузив (йирик плутонлар, штоклар, дайкалар) шаклларда бўлгани каби, эффузив (қопламалар, субвулкон ва экстррузив жисмлар) шаклларида ҳам намоён бўлган, Марказий Қизилқумда эса фақат интрузив шаклда учрайди.

5. Геофизик майдонларда бу икки концентрларнинг катта қисми маҳаллий максимумга эга бўлган сустр мусбатли минтақавий гравитацион ва магнит меъёрликлар билан ифодаланган.

6. Маъданлашиш жараёнининг давомийлиги (40-60 млн.йил) ва кўп босқичли. Мана шу билан концентрларнинг бир бирига ўхшашлилиги чегараланган. Улар қуйидагича фарқланади: Чотқол-Қурама ММКдаги магматик (қисман маъданли) маҳсулотларнинг концентрик зонал, Марказий Қизилқум ва Нурота ММКда эса у, чизикли – камарсимон жойлашиши билан тавсифланади.

7. Биринчисида магматизмнинг вулконли ва интрузив шакллари вақт бўйича боғлиқлиги ва иккинчисида уларнинг алоҳидалилиги; магматизмнинг палеозой охирида юзага яқин ва гипаббисал фацияларининг ортиши, уларнинг субсеквент тавсифланиши ва Чотқол-Қурама ММКда мантиявий мегогенерацияси ва флюид оқимнинг аниқ белгилари ва Марказий Қизилқум ММКда пўстга оид гранитоид плутонларининг  $S_3-P_1$  кристалланиш даражасининг мезоабисаллилиги; биринчисида шошонит (шонкинит) - латит

сериядаги магматитларнинг кенг ривожланганлиги ва иккинчисида уларнинг мавжуд эмаслиги; Чотқол-Қурама ММКда минераллашиш кўп элементли ва Марказий Қизилқумда кам элементли тавсифга эгаллиги; биринчисида ихтисосланган магматик ва маъданли ҳосилаларни шаклланиш чуқурлигининг юқори эмаслиги (0,5-3 км) ва иккинчисида чуқурлигининг катталиги (3,5-4,5км). Шу сабабли биринчисида жинслар қайишқоқлиги-мўрт, иккинчисида эса қайишқоқ – пластик ҳолатда; мос равишда биринчисида қамровчи жинсларнинг минтақавий ва контактли метаморфизми ўзига хос ва иккинчисида эса контактли, минтақавий ва динамик метаморфик ҳосилалар кучлироқ (амфиболит фациясига қадар). Баён этилган концентрларнинг чуқурлик бўйича ўзига хос тузилиши маъданли узелларни, уларда эса катта ва йирик маъданли конларнинг шаклланишини асосий омиллари ҳисобланган, улар орасидаги фарқ - ушбу конларнинг генетик турларини белгилайди.

Иккинчи боб “Тадқиқотлар услубияти” да Х.М.Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институтининг “Литосфера структураси” бўлимида диссертант раҳбарлигида ArcGIS&RS аббревиатураси билан геология-геофизика тадқиқотларининг ялпи услубияти ишлаб чиқилган бўлиб, у 2003 йилдан бошлаб ҳозирги кунга қадар қўлланиб келинмоқда. Яхлит моделларни яратиш услубияти икки кетма-кет босқичдан иборат бўлиб, куйидагиларни ўз ичига олади: 1) потенциал майдонларнинг ва чуқур сейсмик зондлаш профилларининг геологик ва геофизикавий қайта ишлаш ва талқин қилиш услубияти; 2) ArcGIS да бирлашган 3-D моделини яратиш услубияти (масофадан зондлаш материаллари билан бирга). Босқичларнинг ҳар бири янада аниқ кичик босқичларга бўлинади:

I. Потенциал майдонларни геологик-геофизик ялпи ишлаш ва таҳлил қилиш услубияти. Биринчи босқичда чуқурлик бўйича тузилишини ўрганишда потенциал майдонларни ялпи ишлаш ва таҳлил қилиш услубияти қўлланилади (1-расм). У, асосан сейсмик қидирув маълумотлари, асосан чуқур сейсмик зондлаш, бўйича аниқланадиган муҳитнинг ажратиш турувчи геометрик чегаралар ўрнини белгилашга қаратилган.

Орттирган тажрибамиз, ҳудудни майдон бўйича районлаштириш, ажратилган блоklarнинг намоён бўлиш чуқурлигини, уларнинг зичлигини аниқлаш учун потенциал майдонлар маълумотларидан фойдаланиш сейсмик қидирув маълумотларини таҳлил қилинишида сезиларли таъсир кўрсатиши мумкинлигини кўрсатади. Шу сабабли комплекс моделни тузиш босқичидан олдин гравитацион ва магнит майдонлар маълумотларини услубият бўйича таҳлил қилишни амалга ошириш, ушбу усуллар имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш имконини беради. Чуқурлик бўйича тузилишни ўрганишдаги муаммолардан бири бўлиб тўғридан-тўғри бирламчи маълумотларнинг етишмаслиги (асосан бевосита кузатиш ва қудуқлар бўйича ахборот фақат кесимнинг юқори қисми билан боғлиқ) ҳисобланади. Ахборотнинг етишмаслигига оид ушбу камчиликни услубиёт бўйича ишлаш давомида ҳаракатларнинг муайян кетма-кетлигидан фойдаланган ҳолда қисман тўлдиришга эришилади. Потенциал майдонларни ва фойдаланилаётган ахборотларни таҳлил қилишда ишлов бериш ва таҳлил

қилишнинг тўртта кичик босқичи ажратилади: 1) олдиндан ишлаш; 2) районлаштириш; 3) масалани тескари ечиш усуллари билан кесим параметрларини аниқлаш; 4) масалани тўғридан-тўғри ечиш ва саралаш билан кесим параметрларини аниқлаштириш. Ишлашнинг бундай кетма-кетлиги майдоннинг ўзидаги чуқурлик бўйича тузилишга доир ахборотни таҳлил қилишда, ундан максимал даражада фойдаланиш имконини берди.

Биринчи кичик босқичда фойдали асосни ажратиш мақсадида дастлабки майдонларни қайта ўзгартириш амалга оширилган. Бунда кузатиш майдонидан тўсиқлар чиқариб ташланган, минтақавий ва маҳаллий компонентлар ажратилган. Иккинчи кичик босқичда майдоннинг тавсифи билан ажралиб турувчи минтақавий блоклар чегараларини аниқлаш мақсадида потенциал майдонларни районлаштириш олиб борилган. Учинчи кичик босқичда, ажратилган блокларнинг чуқурлик бўйича тавсифини аниқлаш мақсадида бир хилда бўлмаган кесимнинг геометрик ва физик параметрларини аниқлаш ишлари олиб борилган. Ушбу кичик босқичда минимум бирламчи ахборотни талаб қилувчи гравикидирув ва магнит қидирувнинг тескари масалаларини ечиш усуллари билан фойдаланилган бўлиб, улар турлича бўлган жинсларни чуқурлик бўйича тақсимланишини, ўлчамларини ва физик хоссаларининг фарқланиши тўғрисида умумий тушунчаларни акс эттириш имконини беради. Ушбу босқичда фойдаланилган усуллар массалар марказини, номуеърликларнинг субвертикал чегаралари ва юқори чеккаларининг ўрнини аниқлаш, бир хилда бўлмаган жинсларнинг қуйи чегараларинининг жойлашиш чуқурлигини баҳолаш имконини берди. Ушбу босқич тескари масалани турли усуллар билан ечиш натижаларини келишиш ишларини олиб бориш билан яқунланган. Келиштириш ишлари, бир неча усуллар билан текшириладиган, кесимнинг энг барқарор параметрларини ажратиш имконини берди. Тескари масалани турли усуллари билан ечишда манбаларнинг жойлашиш чуқурлигининг яхши мос тушиши аниқланган, алоҳида блоклар доирасидаги турлича жинсларнинг учраш чуқурлиги тавсифи берилган, чегаралар иерархияси, блокларнинг ўлчамлари ва учраш чуқурликлари баҳоланган. Тўртинчи босқичда профиллар бўйича петрологик-геофизик моделларни тузиш мақсадида кесимлар параметрларини аниқлаштириш ишлари олиб борилган. Ушбу босқичда моделлаштириш икки аспектда олиб борилган: кесимнинг юқори қисмидаги параметрлари маълум объектлардан олинган самарани редуцирлаш (соддалаштириш) ва олдинги босқичда олинган моделни аниқлаштириш ишлари олиб борилган. Бу босқичда турли геологик ва петрофизик ахборотларни (хариталар, кесимлар, қудуқлар, гипотезалар) жалб қилиш муҳим ўрин тутади.

Ушбу ахборотларни ишлаш учун тўғридан-тўғри масалани ҳал қилиш, саралаш, регрессия (орқага қайтиш) усуллари билан фойдаланилди. Шу босқичдаги ишлаш натижалари бўйича геомухитнинг петрологик-геофизик модели шакллантирилди.

II. ArcGISда бирлаштирилган интерактив 3-D моделини яратиш услуги (масофадан зондлаш материаллари мажмуи билан). Биринчи босқичда материалларни ишлаш ГИС-лойиҳа доирасида 3-D интерактив


моделини яратишнинг бутун жараёнининг ажралмас муҳим қисми саналади (2-расм). Иккинчи босқичда қуйидаги блоклар ўзаро алоқа қилади: 1) концентр бўйича яратилган векторланган маълумотлар базасини бошқариш тизимининг маълумотлар базасини бошқариш тизими (МББТ); 2) электрон картография; 3) геологик хариталар генерализацияси; 4) маълумотларнинг интегралланган таҳлили ва башорат-ташхис масалалар ечими. ГИС-лойиҳанинг асосий блокида ArcGIS пакетига асосий қисм сифатида кирувчи ArcView (10.1-версия) дастурий таъминот юқори сифатда визуализация қилишни (кўриб бориш), сўровлар киритилишини, яхлит таҳлил қилиш ҳамда базавий функцияларини таъминлаган ҳолда Desktop ArcGISга рақамли маълумотларни киритиш нуқтаси ҳисобланади. Геомаълумотлар ва бошқарув тизими (ГББТ) икки асосий концепцияга асосланган: биринчидан у, географик ахборотлар сақланадиган хонаси ҳисобланади; иккинчидан, геомаълумотлар базаси маълумотларни интерактив моделлаштириш жараёнларини - бошқарув, созлаш, таҳрир қилиш ва маконий объектларни ўзаро алоқасини ўз ичига олади. Блок-диаграммада ArcGIS пакетига интерактив моделлаштиришга доир ишларнинг асосий босқичлари келтирилган. Геология ва геофизика институтининг “Литосфера структураси” лабораториясида ялпи услубият тақсимланиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйича Мохоровичич юзаси чуқурлигининг уч ўлчамли харитаси, термал-зичликга оид номеъёрликлар таҳлил қилинган. Гравитация харитасида оғирлик кучининг Марказий Осиё минимумини ғарб томонга қайта тақсимланиши қандай тақсимланаётганлиги кузатилади. Шунингдек, Мохоровичич юзасининг энг чуқур жойлашуви рельефда палеозой фундаменти чиқишлари билан ва мос равишда маълум маъданли конлар билан, шунингдек гравитация харитасида зичлик пасайган зоналар ва иссиқлик оқими зичлигининг юқори кўрсаткичлари билан корреляцияланади.

Учинчи боб **“Литосферадаги номеъёрий жараёнлар”**да, илмий тадқиқотлар гетроген муҳит – тоғ жинсларида ўтказувчанлик жараёнларини физик-математик моделлаштириш асосида маълум бир тоғ жинсларида иссиқлик- физик номеъёрликларни юзага келиш сабабларини таҳлил қилишга йўналтирилган. Тоғ жинсларидаги иссиқлик-физик номеъёрликларни тадқиқ қилиш вазифаси тўрт босқичда ҳал қилинган: 1) ИТЭМ-1М, ИТ-λ-400 и ИТ-с-400 апаратура мажмуидаги иссиқлик-физик тажрибалар; 2) JXA-8800R JEOL микроанализаторида намуналарни минералогик таҳлил қилиш; 3) тоғ жинслари иссиқлик ўтказувчанлигининг физик моделини ишлаб чиқиш; 4) экспериментал маълумотлар бўйича «Percolationcheck» дастури алгоритминини қўллаш асосида номеъёрий геообъектларни аниқлаш.


I босқич амалга оширилиши натижасида СГ-10 (ўта чуқур бурғулаш кудуғи) бўйича коллекцияга доир жинсларнинг (иссиқлик ўтказиш хоссалари бўйича) номеъёрий гуруҳи аниқланган. Биз ўрганаётган намуналар макроскопик жиҳатдан бир хил бўлган, бироқ II босқичда муфассал ўрганиш пайтида компонентларни ҳажм бўйича тақсимланиши бутунлай турличалиги аниқланган. Ажратилган ансамбллар бўйича тадқиқотлар сайқалланган шлифлар бўйича JEOL JXA – 8800R микроанализаторда амалга оширилган,



айрим минерал фазаларни Link ISIS-300 (Oxford, Буюк Британия) кимёвий таҳлил қилиш вақти 1 дан 5 дақиқагачани ташкил этди. Ўтказилган тажрибалар натижасида учинчи ва тўртинчи умумлаштирувчи босқичда намуналарда тақсимланиши иссиқлик ўтказувчанликка сезиларли таъсир кўрсатувчи асосий элементлар ажратилган. Физик нуқтаи назардан олганда, улар намуналарда узлуксиз кластерларни ҳосил қилади - бу «Percolationcheck» дастури билан қайд этилади, унинг асосий ишчи модули 1-расмда акс эттирилган: 1) «Geodata» модули растр ахборотларини киритилишини таъминлайди; 2) «Calibration» модулида диапазонларни ажратиш содир бўлади; 3) «Cluster» модулида ўтказувчи кластерлар ажратилади; 4) «Stat» модули маълумотларни статистик ишлашни олиб боради; 5) «Result» модули намуналарни ўтказувчанлик хоссалари бўйича таснифлайди.



Рабочие модули программы “Percolationcheck”



1-расм. «Percolationcheck» дастурини амалга ошириш қилиш схемаси

- a) микроанализаторда олинган углерод элементи тақсимланишининг растртасвири;
- b) узлуксиз кластернинг визуал аксланиши;
- c) «Percolationcheck» дастурининг асосий ишчи модули.

Перколяция жараёнини компьютерда моделлаштиришда биз “уяли перколяция” моделидан фойдаландик, унда ҳар бир уя икки хил “банд” ёки “бўш” ҳолатда бўлиши мумкин. Шу билан бирга ҳар бир уя, қўшни уялар ҳолатидан қатъий назар эҳтимоллик билан шуғулланади. Банд уялар ёки бир-биридан изоляцияланган, ёки энг яқин қўшнисидан иборат бўлган гуруҳларни

ҳосил қилади. *Кластер* уя томони бўйича энг яқин қўшниси билан боғланган панжаранинг банд уялари гуруҳи сифатида белгиланади

«*Percolationcheck*» дастури уяли перколяцион шаклни келтириб чиқаради ва уни кластерларни акс эттириш учун компьютер экранига чиқаради. Кластерлар маркировка қилинганидан сўнг бизни қизиқтираётган геометрик тавсифларни оламиз. Кластер ўлчамини олиш учун тўғри белгилар бўйича жамлаймиз, дастурга киритилган алгоритм бўйича ҳисоб-китоблар натижасида тоғ жинслари намуналаридаги элементлар тақсимланишнинг растр асбоби суратлари бўйича перколяция жараёнларини (номеъерий ўтказувчанликни) юзага келишининг башоратли баҳолаш ишлари амалга оширилади.

Шундай қилиб, тоғ жинсларининг физик хоссалари, хусусан иссиқлик ўтказувчанлиги орқали янги юқори технологик хом-ашёни аниқлаш (топиш)га илк бора ёндошилди. Жинс намуналаридаги номеъерликлар аниқланган ва тажриба маълумотлари орқали бевосита ушбу жараёнлар микро даражада физик тушунтиришлар берилди. Натижада мазкур намуналарда юзага келувчи перколяцион жараёнларни ҳисоблаш дастури ишлаб чиқилди ва патентланди («*Percolationcheck*» дастурий таъминотга Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигининг № DGU 01170 сонли гувоҳномаси). Ушбу тадқиқотлар микро даражада аниқланган ноёб моддаларни янада каттароқ миқёсда излаш учун жуда ҳам яхши назарий ва амалий база бўлиб ҳисобланади.

Тўртинчи боб “**Ўзбекистон маъдан-магматик концентрларининг чуқурлик тузилиши**” учта кичик бобдан ташкил топган бўлиб, унинг ҳар бирида Республиканинг маъданли магматик концентрларининг чуқурлик бўйича тузилиши очиб берилган: (1) Марказий Қизилқум маъдан-магматик концентри (МҚММК), (2) Чотқол-Қурама маъдан-магматик концентри, (3) Нурота маъдан-магматик концентри.

МҚММКнинг макон бўйича уч ўлчамли динамик моделини макон бўйича таҳлил қилиш ва геомоделлаштиришнинг замонавий усулларида фойдаланилган ҳолда чуқур структураларнинг интеграллаштирилган жойлашиши таҳлилини, объектлар ва ҳодисаларнинг ўзаро алоқасини ўз ичига олувчи ялпи услубият асосида яратганмиз. Моделни яратиш жараёнида қуйидаги ишлар бажарилган: 1) Мурунтоғ, Томди, Кўкпатос ГСЗ-МОВЗ профиллари қайта таҳлил қилинган; 2) концентрнинг геологик-геофизик тавсифлари бўйича МББТ (СУБД) тузилган; рельеф, пойдевор ва Мохоровичичнинг векторланган юзалари тузилган; 3) Мурунтоғ, Томди, Кўкпатос ГСЗ-МОВЗ профиллари бўйича петрологик-геофизик моделлар олинган ва уларнинг макон бўйича жойлаштириш амалга оширилган; 4) Мохоровичич юзасининг ўзига хос зоналари ажратилган ва Мурунтоғ, Томди, Кўкпатос ГСЗ-МОВЗ профиллари бўйича бир турда бўлмаган (зичлиги ва тезлиги бўйича номеъерий) зоналар кузатилган ва чегараланган; 5) олтин маъданлашувни минтақадаги уч асосий геологик-эволюция давридаги Rf-V то C<sub>3</sub>-P<sub>1</sub> вақт ичида содир бўлган магматизм тури ва фациясига боғлиқлиги аниқланган; 6) пойдевор ва Мохоровичич юзалари харитасининг петрологик-

геофизик таҳлили ўтказилган; 7) иссиқлик-оғирлик кўчишининг икки модели тузилган: биринчи тур “карнайсимон” шакл билан тавсифланади ва базит-ультрабазит, диорит-базитли ўта ишқор таркибли интрузив комплекслар кўринишида ер пўстининг устки қисмида намоён бўлади, шу билан бирга ушбу турдаги магматизмнинг маҳсулоти ҳисобланувчи жинслар ривожланган ҳудуд зичликнинг юқорилиги билан тавсифланади ва мусбат оғирлик кучи номеъёрликлари кўринишида намоён бўлади; иссиқлик-оғирлик кўчишининг икки тури “косасимон” ҳудуд билан тавсифланади, унинг асоси умуман олганда иссиқлик оқимининг юқори кўрсаткичлари ва паст гравитация параметрлари билан тавсифланган ҳолда сейсмик шаффоф зонада қайд қилинади; 8) МҚММКнинг уч ўлчамли динамик интерфаол моделида ўзаро алоқалар кузатилган, улар асосида ўрганилган майдондаги геофизик структураларнинг маъданлилигига оид башорат-диагностик таҳлил қилинган.

Пойдевор ва уни кесиб ўтувчи профиллар, таҳлил қилинган ва геозичлик моделлари кўринишида келтирилган юза бўйича маълумотларни ўз ичига олган Нурота маъдан-магматик концентрининг яхлит 3-D модели тузилган. Маъданли структуранинг шаклланишида ҳал қилувчи рол ёриқлар-маъданли назорат қилувчи структуранинг Қоровулхона-Чормитан зонасига тегишли. Янада муфассал масштабдаги илгарилама геологик-геофизик ишларни амалга ошириш учун яқин жойлашган Чормитан маъдан майдони учун тавсифли бўлган ўзига хос муҳим жиҳатларни ажратиш лозим: маъданлашиш тўпланишини белгиловчи асосий геологик омиллар – тектоник, магматик ва литологик омиллардир. Нурота ММК бўйича 4та истиқболли майдонлар ажратилган: 1) биринчи янги башорат қилинган маъданли майдон Шимолий Нурота тизмасининг марказий қисмининг жанубий этагида жойлашган ва Шимолий Нурота антиклинорийнинг жанубий чеккасида кўп фазали Қўшрабод массивининг ( $S_2m$ ) жануби-ғарбий экзо- ва эндоконтант қисмига тўғри келади. Маъдан қамровчи жинслар бўлиб жозбулоқ свитасининг ( $S_1$ ) вулканоген-терриген ҳосилалари ва Қўшрабод интрузивининг граносиенитлари ҳисобланади.

Жозбулоқ свитаси гилли сланецлар, алевролитлар, оҳактош линзалари мавжуд қумтошлар, туф-қумтошлар, туф-алевролитлар ва диабазларнинг қатламлараро гилсимон жисмлари ва габбро-диабазлардан ташкил топган. Свита жинслари эзилган бўлиб, ғарб-шимол-ғарбга чўзилган, изоклинал бурмаланган, яшил сланецли регионал метаморфизмга ва Қўшрабод интрузиви кирган термал таъсирга учраган; 2) иккинчи башорат майдони Жанубий Нурота тоғ тизмасининг Қоратоғ тоғларида, антиклинал бурманинг жанубий чеккасидаги Қоратоғ гранитоидли плутонининг эрозия билан очилмаган интрузив усти зонасида, эзилиш зонасининг субкенгликдаги йўналишда, шимоли-шарқий йўналишдаги кесиб ўтувчи ёриқлар билан кесишмасида жойлашган; 3) учинчи башорат майдони Маржонбулоқ кўтарилмасида - Жанубий Нурота тоғларининг шарқий давомида жойлашган. Ажратилган маъданли майдоннинг геологик-структуравий ўрни Қароқчитоғ-Маржонбулоқ чуқур ёриғининг зонасига тўғри келиши билан аниқланади; 4) тўртинчи башорат майдони Шимолий Нуротада жойлашган ва Жиззах шаҳри

худудидан шимоли-ғарбдаги Сентобсойга қадар 110км га чўзилган масофада кузатиладиган ультрамафитли массивлар билан боғланган.

Чотқол-Қурама худуди бўйича ўтказилган тадқиқотлар: минтақанинг потенциал майдонларини қайта таҳлил қилиш, иссиқлик оқими харитасини тузиш, сейсмик профиллар бўйича геофизик моделлаштириш ва масофадан зондлаш маълумотларини ишлаш бир қатор номуъаёнликларни ва уларнинг ўзаро алоқасини аниқлаш имконини берди. Геозичликга оид моделлаш натижасида 1-1 профили бўйича катта номуъаёнлик аниқланган. У планда Чотқол тоғларининг жануби-ғарбий этақларига тўғри келади. Таҳлил қилиш натижалари бўйича номуъаёнлик ҳосил қилувчи объектнинг юқори чеккаси чуқурлиги 1.95 дан 4.96 км.га, ости чеккаси -16.25 дан 6.88км гача. Ортикча зичликга  $0.05-0.1\text{г/см}^3$  эга бўлган (диоритлар, сланецлар) параметрларэнг аниқ кўрсаткичлар ҳисобланиши мумкин, бу Чотқол-Қурама минтақасидаги АО-1 ва АО-2 кудуқлар бўйича олинган жинслар зичлиги маълумотлари билан тасдиқланади. Чотқол-Қурама минтақасидаги 7та сейсмик профиллар бўйича  $V_p/V_s$  нисбатини тақсимланишининг таҳлили айрим блокларнинг ваер пўстини юқори ҳамда қуйи қаватларининг реологик ҳолатини аниқлаш имконини берди. Тадқиқотлар билан қамраб олинган Чотқол-Қурама минтақасидаги ер пўсти сегментлари, фақат тектоник жараёнлар билан боғланганлигидан ташқари, моддий табиатининг турличалиги, вертикал ва латерал бўйича қурама (аралаш) - блокли тузилишга эгаллиги аниқланган. Уларкумтупроқ (кремнезем) миқдори 40дан 78 фоизгача бўлган, яъни асосли ва нордонгача бўлган жинслар блокларидан ташкил топган. Профиллар бўйича Мохоровичич чегарисига қадар чуқурликкача юқори тезликга эга бўлган аралашмалар морфологияси аниқланган, ундаги қумтупроқнинг  $V_p/V_s$  нисбати кўрсаткичи 1.81 ва ундан юқори - фоизларда 40-50% эканлиги билан тавсифланади. Таркибидаги  $\text{SiO}_2$  миқдори ўртача 58-78% бўлган янада нордон жинслар 20-25 кмгача бўлган чуқурликда тўпланган.

